

«Hilton Ballroom» меҳмонхонасида халқаро анжуман бошланди



10:49 / 15.10.2024 1135

Бугун, 15 октябрь куни пойтахтимиздаги «Hilton Ballroom» меҳмонхонасида «**Ислом - эзгулик ва тинчлик дини**» мавзусидаги нуфузли халқаро анжуман бошланди.

Тадбирда **Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Иордания, Ўмон, Россия, АҚШ, Франция, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ҳиндистон ва Покистон** каби дунёнинг 22 мамлакатидан 70 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дин арбоблари, муфтийлар ва таниқли уламолар иштирок этмоқда.

Маълумот ўрнида мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистонда «Ислом - тинчлик ва эзгулик дини» мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси доирасида ташкил этилди.